

ГАЗЕТА ТИЛИДА ПРЕЦЕДЕНТЛИК ФЕНОМЕНИ

Тўраева Дилбар Мейлиевна

Қарши давлат университети катта ўқитувчиси

dilbarturayeva270@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7627601>

Аннотация: Мазкур мақолада прецедентлик феноменини медиаматнда намоён бўлиши ҳақида сўз фритилади.

Калит сўзлар: антропоцентрик тадқиқ, прецедентлик феномени, прецедент матнлар, лингвомаданий хусусият.

Интертекстуаллик прецедентлик тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ ва прецедент матнлардан фойдаланишда намоён бўлади. Матн алоқаси манба матнига ҳавола қилиш, «ўз» матнида «бегона» сўзларни ишлатиш орқали амалга оширилади. Прецедент матнлар бутун халқ ва алоҳида ижтимоий гуруҳнинг сўзлашувининг мантиқий элементлари бўлиб, алоҳида лисоний шахсга тўғри келади. Д.Худойберганова “Тилни антропоцентрик тадқиқ этиш муайян халқнинг миллий ўзига хослигини кўрсатиб бериш демакдир” [1;5], дея таъриф берган. Шундай экан, “прецедентлик”ни антропоцентрик аспектда тадқиқ қилиш жараёнида уларни лингвомаданий хусусиятларини ёритишга замин яратади.

Прецедент сўзи латин тилидан (<lat. Praeeditens (praecedentis) – илгари бўлиб ўтган) олинган бўлиб, “аввал бўлиб ўтган воқеа”, “аҳамиятга молик ҳодиса” деган маънони билдиради”.

Ю.Н. Караулов; О.П. Семенец; Г.Г. Слышкин; И.А. Чемезова; Н.М. Орлова; Н.А. Голубева; Д. Худойберганова; Д.М. Тешабаева; М.Артиковларни ишларини келтириш мумкин.

Б. Т. Жалилов “прецедент” терминининг ўзбек тилшунослигида нашр қилинган изоҳли, энциклопедик, этимологик, икки ва ундан кўп тилли луғатларда, шунингдек, синоним, антоним, омоним, луғатларида қўйидагича изоҳ ва таърифларини келтирган. Улар қўйидагилар:

“ПРЕЦЕДЕНТ м. книж. (ўзидан кейин содир бўладиган худди шу турдаги воқеларга намуна, ўрнатма бўла оладиган воқеа, ҳодиса): ўхшаш, тенг. случай, не имеющий ~а прецеденти (ўхшаши, тенги) бўлмаган ҳодиса; установить~ прецедентни белгиламоқ (ўтмишда худди шундай воқеа ёки ҳодиса бўлганини аниқламоқ); судебный ~ юр. суд прецеденти”.

Ж. Бўронов, Ш. Бўтаев, М. Ирискулов, К. Раҳмонбердиевлар томонидан 2001 йилда нашр қилинган “English-Uzbek Dictionary” номли икки тилли луғатда: [precedent n – прецедент, воқеа, ҳодиса] [2;466].

Ғ. Сатимов томонидан 1999 йилда Тошкентда нашр қилинган уч тилли “English-Russian-Uzbek Dictionary of Juridical Terms” номли луғатида: [precedent n – прецедент, предшествующий – аввал бўлиб ўтган, содир этилган] [3;208].

Т. К. Саттаров, И. А. Имомовлар ҳаммуаллифлигида 2014 йилда “English-Russian-Uzbek Comprehensive Law Dictionary” номли уч тилдаги луғатида: [precedent – 1. прецедент, 2. предварительный; предшествующий – 1. прецедент, 2. дастлабки, олдинги] [4;552] таржималари мавжуд.

Б.Т. Жалилов ўзбек тилининг ҳозирга қадар нашр қилинган этимологик луғатларида ҳамда 1981 йилда нашр қилинган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, 2007 йилда нашр

қилинган “�збек тилининг изоҳли луғати” номли луғатларида, шунингдек, 1990 йилда нашр қилинган “Энциклопедик луғат”да “прецедент” сўзининг киритилмагани ва изоҳ келтирилмаганини таъкидлайди ва бунинг сабабини “прецедент” термини ўзбек тилига рус тили орқали юриспруденция термини сифатида кириб келган. Яъни фақатгина муайян доирадаги шахслар истеъмолидаги термин сифатида ишлатилганлигида кўради [5;31-40].

Фикримизча, прецедентлик феноменининг намоён бўлиши, унинг ўзгаришга юз тутиши мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ҳолатнинг ўзгариб бориши билан боғлиқ бўлиб, прецедентлик нафақат бадиий матнда, балки медиаматнда ҳам ўз ўрнига эга [6]. Прецедент феноменлар нутқ иштирокчиларининг лингвомаданий луғати ҳамда “матнга оид концептнинг” кўрсаткичларидир. Прецедентлик феномени – бу «коммуникатив прецедент», келажакда шунга ўхшаш шароитда коммуникантлар олдида турган вазифаларни (номинатив, коммуникатив ва бошқалар) ҳал қилишга ёрдам беради».

Прецедент феноменларнинг асосий белгилари:

- миллий-лингвомаданий жамиятнинг барча вакилларига яхши таниш;
- когнитив (билиш ва ҳис қилиш) планида долзарб (прецедент феноменлар ортида ҳар доим у ёки бу миллий-маданий менталитет вакиллари учун мажбурий ва умумий тасаввур туради);
- у ёки бу миллий-лингвомаданий жамият вакиллари нутқида прецедент феноменларга апелляция такрорланиб, қайталаниб туради;
- прецедент феноменлар ҳар доим нутқий ифода шаклида бўлиши шарт эмас [5].

И.А. Чемезова “Прецедентная модель языковой игры в газетном заголовке” диссертациясида газета сарлавҳаларида сўз ўйини қилишда прецедент бирликларнинг ролини аниқлаган. Мазкур диссертация оммавий коммуникация соҳасида прецедентлик феноменининг маданий мазмуни “қайта кодлаштириш”нинг асосий қоидаларини ва лисоний механизмларини аниқлаш ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларини асослашдан иборатлиги билан аҳамиятлидир. “Маълум бир маданият гуруҳи учун қимматли, бирор миллатнинг тил бирликларига боғлиқ ҳолда кўп учрайдиган, миллат учун характерли бўлган тушунча”.

Прецедент ва интертекстуаллик тушунчалари ўртасидаги муносабатлар қуйидагича:

- 1) прецедент тушунчаси прецедент матнларнинг ишлашини англаш билан боғлиқ бўлиб, бу таъриф доирасига иқтибос, аллюзия ва реминисценция тушунчаларини киритади;
- 2) миллатнинг маданий жамғармасига ушбу матнни маълум бир шахснинг замондошлари ва ўтмишдошлари билан танишишида ифодаланган, прецедент матнларнинг қўшилишини акс эттиради;
- 3) лингвистик шахсият таркибига «прецедентли матнлар» тушунчасини киритади.

Прецедент матн деганда, нутқ-фикрлаш фаолиятининг тўлиқ ва бутун маҳсули, полипредикатив бирлик; таркибий белгиси қийматларининг йиғиндисининг унинг маъносига тенг бўлмаган мураккаб белги тушунилади. Прецедент матн лингво-маданий жамиятнинг ҳар қандай аъзосига яхши маълум, унинг когнитив асоси ўз идрокнинг инвариантини ўз ичига олади.

Тилшуносликда “прецедент” терминига “матн” сифатида қаралган. Прецедент матнлар ўша миллат маданияти ҳақида тасаввурга эга бўлишдир. Аксинча, прецедент матнларни

билмаслик ўша маданият вакиллари билан келиб чиқиши мумкин бўлган ўзаро тушунмовчиликларни келтириб чиқаради.

References:

1. Худойберганава Д.С. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол.фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2015. – Б. 5.
2. Бўронов Ж., Бўтаев Ш., Ирискулов М., Раҳмонбердиев К. English-Uzbek Dictionary. – Т., 2001. – 466 б
3. Сатимов Ф. English-Russian-Uzbek Dictionary of Juridical Terms. – Т., 1999. – 208 p
4. Саттаров Т.К., Имомов И.А. English-Russian-Uzbek Comprehensive Law Dictionary. – Т., 2014. – 552 p.
5. Жалилов Б.Т. «Прецедент» термини ва унинг турли луғатлардаги изоҳи. Ўзбекистонда хорижий тиллар, 2021, № 3(38), 31-40.
6. Тешабаева Д.М., Артикова М.Р. Прецедентлик журналист матнларининг ифодалилигини оширувчи восита сифатида / Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. – Тошкент, 2011. – Б. 136-139.36.